

29-may
2025-yil 21 (1 123)



A X X R

I J T I M O I Y - S I Y O S I Y G A Z E T A S I

Қурбон ҳайити:

Кеча — Зулҳижжа ойининг биринчи куни бошланди. Бу ҳақда Ўзбекистон Муслмонлар идораси маълум қилди. Ҳар доим Зулҳижжа ойининг 10-куни Қурбон ҳайити куни ҳисобланади. Муслмонларнинг асосий байрами олдидан арафа куни эса 5 июнь этиб белгиланди. Демак, 2025 йил ушбу улуғ айём 6 июнь, яъни жума кунига тўғри келмоқда.

21asr.uz @XXIasr_yangiliklari asrgazetasi XXI_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXIasrgazetasi Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛИ САРИ



ПЕКИН ШАҲРИДА ХИТОЙ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ҲАМДА ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАР СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ХАЛҚАРО МУЛОҚОТ ФОРУМИ ЎЗ ИШНИ БОШЛАДИ. МАЗКУР НУFUЗЛИ АНЖУМАНДА ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ –ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҲАМ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА.

Форумнинг очилиш маросимида О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Ақтам Хайтов сўзга чиқиб, Ўзбекистон ва Хитой орасидаги стратегик ҳамкорлик муносабатлари, минтақавий ҳамжиҳатлик ва партиялараро мулоқотнинг аҳамияти ҳақида атрафлича тўхталиб ўтди.

Форумнинг Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзиньпин ташаббуси билан ташкил этилгани Хитой раҳбариятининг қўшни давлатлар билан дўстона, ишончли ва узоқ муддатли муносабатларни мустаҳкамлашга стратегик ёндашувини яққол намоён этмоқда. Хусусан, сиёсий партиялар ўртасидаги очиқ ва самарали мулоқот учун танланган мавзулар бугунги глобал дипломатик воқеаликни аниқ акс эттириб, долзарб масалаларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

О'zLiDeP раҳбари ўз чиқишида Хитой Коммунистик партиясига форумни юқори савияда ташкил этгани учун самимий миннатдорлик билдирди. У икки давлат раҳбарлари – Шавкат Мирзиёев ва Си Цзиньпиннинг сиёсий иродаси, мунтазам мулоқоти тўғрисида Ўзбекистон-Хитой муносабатлари тобора кенгайиб, эзгу мақсадларга йўналтирилган шериклик даражасига кўтарилганини алоҳида эътироф этди.

– Бугунги дунёда сиёсий барқарорлик, иқтисодий ҳамжиҳатлик ва минтақавий интеграция мустаҳкам сиёсий мулоқотсиз тасаввур этилмайди. Хитой билан кўп қиррали ҳамкорлигимизнинг мустаҳкамлашида сиёсий партиялараро мулоқот муҳим ўрин тутаётти, – деди Ақтам Хайтов.

Форум доирасида “Ўзгараётган дунёдаги Осиё” мавзусида фикр алмашилди. Мутахассислар ва партия етакчилари бугунги дунёда Осиё қитъасининг стратегик аҳамияти ортиб бораётганини қайд этди. Айни пайтда ер юзининг ярмидан кўпроқ аҳолиси айнан шу қитъада истиқомат қилади. XXI асрда Осиё иқтисодий ўсиш, илғор технологиялар, транспорт ва логистика салоҳияти борасида глобал тараққиётнинг асосий драйверига айланиб бормоқда.

Мазкур жараёнда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, “Бир макон – бир йўл” каби минтақавий ташаббуслар улкан аҳамият касб этмоқда. Уларнинг асосий вазифаси – тинчликни таъминлаш, манфаатлар мувозанатини сақлаш ва умумий тараққиётни қўллаб-қувватлашдир.

Форумда “Стратегик ишончни мустаҳкамлаш ва маслаҳатлашувни кенгайтириш”, “Осиёнинг очиқлиги ва интеграциялашган ривожланиши” каби мавзу ва йўналишлар доирасида илмий-назарий ва амалий нуқтаи назарлар таҳлил этилди. Иштирокчилар минтақадаги барқарорликни таъминлашда сиёсий партияларнинг ўрни тобора долзарблик касб этиб бораётганини таъкидлашди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ташқи сиёсати Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида очиқлик, прагматизм ва манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида амалга оширилмоқда. Хусусан, Хитой Халқ Республикаси билан муносабатлар барча соҳаларда кенгайиб, стратегик даражага кўтарилган. Мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик нафақат савдо ва сармоя, балки транспорт, логистика, туризм, илм-фан ва инсон капиталини ривожлантириш соҳаларини ҳам қамраб олмақда.

Бугунги кунда Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодийётига киритган тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 25 миллиард доллардан ошди. Бу эса мамлакатимизга булган ишончнинг ортиб бораётганидан далолат беради. Шу билан бирга, Хитой Ўзбекистоннинг энг муҳим ва ишончли узоқ муддатли шерикларидан бири сифатида тан олинмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон-Хитой дўстлиги барча жабҳаларда ҳар томонлама тактик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилгани алоҳида таъкидланди. Ўзаро товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми барқарор ошиб бормоқда, иқтисодийнинг устувор тармоқларида етакчи компаниялар иштирокидаги қўшма лойиҳа ва корхоналар сони кўпаймоқда.

“Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўлини қуриш лойиҳаси бўйича амалий ишлар олиб борилаётгани. Фаол худудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алма-

шинув юқори баҳоланди.

Парламентлараро ва партиялараро ҳамкорликдан ташқари, айниқса, қамбағалликни қисқартириш, коррупцияга қарши курашиш, рақамлаштириш ва sanoatлаштиришни жадаллаштириш каби йўналишларни янада кенгайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Олий ва профессионал таълим йўналишларини ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, мамлакатимизда Хитойнинг етакчи олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш устида иш бошлангани ҳам бу борадаги хайрли ишларнинг узвий давоми дейиш мумкин.

Форум доирасида О'zLiDeP ва ХКП ўртасидаги партиялараро ҳамкорлик истиқболлари ҳам муҳокама этилди. Жумладан, икки партия ўртасида имзоланган Ўзаро англашув меморандуми сиёсий мулоқотни институционал шаклга олиб кириш, партиялараро ишончни мустаҳкамлаш ва тажриба алмашишни йўлга қўйишга хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжат Ўзаро ҳамкорликни замонавий дипломатик талаблар асосида янги bosқичга олиб чиқмоқда. Унда сиёсий етуқлик, электорат билан ишлаш, давлат бошқаруви таъсир кўрсатишдаги механизмлар, кадрлар тайёрлаш ва дипломатик маданиятни ривожлантириш каби йўналишларда ҳамкорликни чуқурлаштириш назарда тутилган.

Дарвоқе, Пекиндаги сиёсий форум Ўзбекистон-Хитой орасидаги дўстона муносабатларни янада теран, сиёсий мулоқотни кенгайтириш ва минтақавий барқарорликни таъминлашда муҳим дипломатик воқеа сифатида эътироф этилди. Бундай мулоқотлар нафақат партиялараро, балки халқлар ўртасидаги ўзаро тушуниш ва яқинлашувга замин яратди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси глобал миқёсдаги бундай мулоқотларда фаол иштирок этишни, мамлакат манфаатлари йўлида очиқ, амалий ва самарали ташқи сиёсий ҳамкорликни янада ривожлантиришни ўзининг устувор мақсади деб билади.

О'zLiDeP матбуот хизмати

ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ



Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентининг янги таркибдаги аъзолари иштирокида биринчи мажлис бўлиб ўтди.

Хабарингиз бор, яқиндагина яқунланган жорий йилги Ёшлар парламенти сайлови кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотди. Негаки, бу институт Янги Ўзбекистон сиёсий ҳаётида ўзига хос янгилик сифатида намоён бўлмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2020 йилда Парламент куйи палатаси ҳузурида ташкил этилган ушбу тузилма ёшларнинг ҳуқуқ-манфаатларини янги Ўзбекистон сиёсий ҳаётида ўзига хос янгилик сифатида намоён бўлмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2020 йилда Парламент куйи палатаси ҳузурида ташкил этилган ушбу тузилма ёшларнинг ҳуқуқ-манфаатларини янги Ўзбекистон сиёсий ҳаётида ўзига хос янгилик сифатида намоён бўлмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2020 йилда Парламент куйи палатаси ҳузурида ташкил этилган ушбу тузилма ёшларнинг ҳуқуқ-манфаатларини янги Ўзбекистон сиёсий ҳаётида ўзига хос янгилик сифатида намоён бўлмоқда.

ЯНГИ ТАРКИБДАГИ АЪЗОЛАР БИРИНЧИ МАЖЛИСГА ЙИҒИЛДИ

раёнларига жалб қилиш ҳамда шу орқали давлат ва жамият ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини ўтамоғига ишонч билдирилган эди. Қисқа, лекин залворли кечган давр ичида Ёшлар парламенти аъзолари юздан ортиқ қонун лойиҳалари муҳокамаларида иштирок этди, шунингдек, Қонунчилик палатаси қўмиталари билан биргалиқда 80 дан ортиқ назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширди. Олдинда эса ҳали янада масъулиятли ва долзарб вазифалар турибди.

Эътиборли жиҳати, яқинда

яқунланган сайловларда 9 531 нафар навқирон, изланувчан йигит-қизлар ўз номзодини илгартиришга қарор қилди ва сиёсий сургани ёшлар ўртасида сиёсий фаоллик кучайиб бораётганини кўрсатмоқда. Жиддий рақобат муҳитида кечган сайловларда сиёсий партиялар томонидан саралаб олинган 150 нафар ёшдан иборат янги қаҳриқ тарихи шакллантирилди.

Мажлисда Ёшлар парламенти раиси, унинг ўринбосарлари ва қўмиталар раислари сайлаб турибди.

III қаҳриқ Ёшлар парламенти раиси этиб О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси, партия ижроия қўмитаси Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўлим мудири Отабекхўжа Собитов сайланди.

29-30 май кунлари Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида янги таркибдаги Ёшлар парламенти аъзолари учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида семинар ва маҳорат дарслари ўтказилди.

Мухбиримиз

О'zLiDeP ЖИЗЗАҲДА НИМАЛАРНИ ЎРГАНДИ?



Гўшт арзон бўлади, қачонки...



Дунёни ўзгартиришга қодирсиз...



МАРДНИНГ мардона ҳаёти



O'zLiDeP ЖИЗЗАХДА НИМАЛАРНИ ЎРГАНДИ?

МУАММОЛАР, ТАКЛИФЛАР, НАТИЖАЛАР

Сўнги йилларда мамлакатимизда депутатлар фаолиятида сезиларли фаоллашув кузатишмоқда. Хусусан, уларнинг ҳуқуқий мустақиллиги мустаҳкамланиб, қонун ижодкорлиги борасидаги илгор таклифлари, жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва халқаро ҳамкорлик йўналишларидаги иштироки ортиб бормоқда. Бу эса ижтимоий қатлам вакиллари томонидан ҳам муносиб эътироф этилмоқда.

Ахборот шаффофлигини таъминлаш, мавжуд муаммо ва камчиликларга ўз вақтида чора кўриш, қонунчилик ташаббусларини ҳаёт талабларига мос равишда янада пухта ишлаб чиқиш ҳамда ҳуқуқий, сиёсий-иқтисодий, экологик ва маънавий-маърифий соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида жойларда сайловчилар билан очиқ мулоқотлар, учрашувлар ҳамда турли тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Бу каби амалий чоралар Ўзбекистонда депутатлар фаолиятини сифат жиҳатдан янги поғонага олиб чиқиш, уларнинг жамаиятдаги таъсирини кучайтириш ҳамда миллий парламентимизни дунёдаги энг самарали ва таъсирли қонун чиқарувчи органлар қаторига олиб чиқишга қаратилган стратегик ёндашув экани шубҳасиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари ва партия фаолларидан иборат ишчи гуруҳ аъзолари жорий йилнинг биринчи чорагида Жиззах вилоятида бўлиб қайтган эди. Шароф Рашидов, Пахтакор, Мирзаҷўл, Янгиобод, Зарбдор, Зомин, Дўстлик, Зафаробод, Арнасой, Фориш, Бахмал туманлари ва Жиззах шаҳрида фаолият юритаётган фермерлар, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва экспорт фаолияти билан шуғулланган тадбиркорлар, "маҳалла еттилиги", олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар, маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар ва аҳоли вакиллари билан, кам эмас, 54 та учрашув ўтказилибди.

Хўш, O'zLiDePнинг сайловолди дастурида белгилаб олинган "5 мақсад ва 500 вазифа" доирасида ташкил этилган мулоқотларда қандай ҳаётий масалалар ўртага ташланди, сайловчиларни қийнаётган муаммолар юзасидан белгиланган амалий чоралар натижаси қуриняптими? Умуман, бундай ўрганишлар ўзини қай даражада оқлайди?

Биз бугун Жиззах вилояти мисолида шу каби саволларга жавоб излаймиз.

Тадбирлар дебечаси Жиззах шаҳридаги олий ўқув юртида ўқийётган талабалар иштирокида ташкил этил-

таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўрганилди.

Зомин туманидаги "Нуронийлар маскани"да 2025 йилда тумандаги маҳаллалар кесимида бандликни таъминлаш ва камбағалликни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама этилди. Шунингдек, "Зомин асл ипак толаси" МЧЖ фаолияти орқали кичик саноат зоналаридан самарали фойдаланиш масалаларига эътибор қаратилди.

Пешағор қишлоғида жойлашган "Дўстлик чеварлари" ҳамда "Ясмин чеварлари" МЧЖларида фаолият юритаётган кўли гул аёллар меҳнати эътирофга сазовор бўлди. Шунингдек, намунали томорқачи сифатида фаолият кўрсатаётган Ғофур Маматовнинг хонадонидан кулупнай ва лимон етиштириш бўйича орттирган тажрибаси олқишланди.

Зафаробод, Пахтакор, Арнасой, Фориш ва Бахмал туманларида маҳаллий кенгашлар депутатлик гуруҳи аъзолари ҳамда сиёсий партия фаоллари иштирокида ташкил этилган мулоқотларда жойлардаги мавжуд муаммолар, уларнинг ечими бўйича таклиф ва ташаббуслар атрофида муҳокама қилинди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари "Taksin Karpet" МЧЖ, "World Trading Company" МЧЖ, "Baraka Chevarlari Textile" МЧЖ ҳамда "Basalt O'zbekiston" МЧЖ фаолияти билан яқиндан танишдилар. Корхоналарда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ҳамда "маҳалла еттилиги" вакиллари билан амалий мулоқотлар ўтказилиб, уларнинг фикр ва таклифлари тингланди.

Ўтказилган учрашувлар, очиқ мулоқотлар давомида фермерлар, тадбиркорлик субъектлари, олимлар, депутатлар ва ёшлар томонидан қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор долзарб масалалар илгари сурилди. Улардан айримларига тўхталмоқ жоиз деб ўйлаймиз.

Хусусан:

– **ёшлар стартаплари учун платформа йўқлиги** – иқтисодли, ташаббускор ёшларни бирлаштирадиган ва уларга ҳамкор топишда амалий ёрдам кўрсатадиган ягона электрон платформа яратилмаган. Бу эса инновацион ғоялар ва стартап лойиҳаларни ривожлантиришда тўсиқ бўлмоқда;

– **халқаро муваффақиятга эришган ёшлар учун имтиёз йўқлиги** – жаҳон чемпионлари ёки халқаро танловларда ғолиб бўлган ёшларни магистратурага имтиёзли қабул қилиш бўйича ҳуқуқий асос йўқ. Мазкур ҳолат ёшларда спорт ва илм-фан йўналишида рағбатни сусайишига олиб келиши мумкин;

– **кадастр ҳужжатларсиз фуқароларнинг рўйхатдан ўтказилмаслиги** – кадастр ҳужжати йўқ шахсларга доимий рўйхатга олинган жойи йўқлиги асоси билан фуқаролик паспорти (ID паспорт) бериш рад этилаётганлиги;

– **пахта савдосида танлов имконияти йўқлиги** – бир-жага чиқарилган пахтани сотишда кластерлар бир хил нарх белгиланган ҳолларда фермерлар эркин танлов имкониятига эга эмас;



функциялар юклатилганлиги ва уларнинг аксарияти маҳалланинг асосий фаолият йўналишларига боғлиқ эмаслиги;

– **яйловлардан фойдаланишда чекловлар** – Фориш тумани фуқароларининг чорва моллари учун яйловлардан шартнома асосида фойдаланишга руҳсат берилмаётганлиги каби муаммолар ўртага ташланди.

Юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этиш, қонунчиликни амалиёт талабларига мувофиқлаштириш мақсадида фракция аъзолари томонидан қуйидаги қонун лойиҳалари ва ўзгаришлар таклифи ишлаб чиқилди. Унга кўра, "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасига "қонунчиликка биржага чиқарилган пахтани сотишда кластерлар томонидан бир хил нарх белгиланган тақдирда фермерларга кластерни танлаш ёки аввалги шартнома мажбуриятларини бажармаган кластерларга ишончсизлик билдириш ҳуқуқини бериш" тартибидеги қўшимча киритиш таклифи киритилди.

Бундан ташқари, Иқтисодий процессуал кодекснинг 171-моддасига "Иқтисодий судларда тарафларнинг биринчи суд мажлисига узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги судни қолдиришга асос бўлиши ҳақида норма киритиш", шунингдек, "Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 22-моддасига деҳқон ҳўжаликлари ер эгалари ўзаро келишган ҳолда ижара ҳўқуқларини алмашиши, ишончли бошқарувга бериш тартибини жорий қилиш, қолаверса, "Яйловлар тўғрисида"ги қонуннинг 3, 13, 14-моддаларига жамоат яйловлари, улардан фойдаланиш тартиби, яйловлардан фойдаланувчиларнинг ҳўқуқ ва мажбуриятларини киритиш каби қўшимчалар қўшиш таклифи белгиланмоқда.

Шу билан бирга, "Давлат харидлари тўғрисида"ги, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида"ги қонунларга маҳаллага юклатилган вазифаларни қайта кўриб чиқиб, уларни тизимлаштириш ва маҳалланинг асосий функцияларига алоқаси бўлмаган вазифалар (давлат харидлари тўғрисидаги қонунга риоя этилишини назорат қилиш, оилавий корхоналарга, тадбиркорларга кредит олишда кафил бўлиш, деҳқон ҳўжаликлари ҳисоботлар олиниши ва бошқалар)ни қисқартириш зарурлиги таклифи берилди.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, O'zLiDePнинг жойлардаги ташаббуслари фуқаролар манфаатларини таъминлаш, ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш ва инновацион ғояларни қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда. Хусусан, O'zLiDePдан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар, депутат ёрдамчиларида мавжуд ғоя, қонунчилик таклифларини Олий Мажлис қонунчилик палатаси O'zLiDeP фракцияси депутатларига теъорикли билан етказиш ва уларни баҳолаб бориш, энг яхши таклиф эгаларини рағбатлантириш мақсадида "O'zLiDeP ғоялар генерацияси" электрон платформаси ишга туширилишига келишиб олинди ва ушбу лойиҳада парламент депутати Абдуманнон Бўриев масъул сифатида бириктирилди.

Жиззах политехника университети ҳудудидаги бўш турган "INNO texporak" базасида манфаатдор вазирликлар билан ҳамкорликда "INNO-BRIDGE" лойиҳалар фабрикаси клубини ташкил этиш таклифи ўртага ташланди. Режага кўра, мазкур ташаббус доирасида навқирон йигит-қизларнинг стартаплари қўллаб-қувватланади, инновацион ғояларга эга ёшлар ўртасида тажриба алмашишуви таъминланиб, улар кластерлар ва сармоядорлар билан боғлашга йўналтирилади. Мазкур лойиҳага депутат Отабек Мусурмонов масъул сифатида бириктирилиб, клуб фаолияти доирасида мунтазам амалий семинарлар, тренинглар, бизнес режалар ишлаб чиқилиб, молиявий мустақилликка эришиш борасида амалий маслаҳат гуруҳлари ташкил этилиши белгиланди.

Аҳоли орасида тиббий маданиятни ошириш ва соғлом турмуш тарзини омаллаштириш мақсадида Жиззах вилоятида комплекс тажриба амалга оширилиши режалаштирилган. Унга кўра, давлат ташкилотлари, таълим муассасалари, ОАВ ва жамоат жойларида тўғри овқатланиш маданияти, истеъмол қилинаётган маҳсулотларнинг калорияси ҳақида маълумотлар тақдим этиш, шунингдек, Тибет тажрибасига асосланган бадантарбия машқларини жорий этиш каби фаолиятлар йўлга қўйилади. Депутат Рисқул Сиддиқов масъул сифатида бириктирилган ушбу ташаббус аҳолининг жисмоний ва руҳий соғлиғини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бундан ташқари, ёшларнинг тадбиркорлик ва инновация соҳаларидаги салоҳиятини ривожлантириш мақсадида "O'zLiDeP – 10 000 инновацион лойиҳа" дастурини амал-

га ошириш таклифи илгари сурилмоқда. Лойиҳа доирасида 10 000 нафар ёш тадбиркорнинг ташаббуслари сараланиб, уларнинг фаолияти кенг тарғиб этилади. Шунингдек, уларга ҳуқуқий, ахборот ва молиявий кўмак кўрсатилади, бизнес лойиҳаларини амалга ошириш учун имкониятлар яратилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-2240-сон, 2020 йил 22 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6065-сон фармонларига "шахсини тасдиқловчи ҳужжатни олиш учун доимий яшаш жойи бўлиши талабини бекор қилиш" тартибини киритиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги 468-сон қарорига 4-илова сифатида "Олимпия, паралимпия, жаҳон чемпионларини олий таълим муассасаларининг магистратура босқичига имтиёзли асосларда қабул қилиш бўйича" қонунчиликка норма киритиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4742-сон қарорининг (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига "Ичимлик сувини махсус транспорт воситалари орқали етказиб бериш ҳўқуқига эга бўлган субъектлар доирасини кенгайтириш" йўналишида ҳамда "Ёмғир ва ер ости сувларидан қишлоқ ҳўжалигида самарали фойдаланиш тизимини рағбатлантириш"га доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш каби бир қатор қонуности ҳужжатларга таклиф ва қўшимчалар киритиш белгилаб олинди.

Эътиборли томони, қонун лойиҳаларидаги нормаларнинг амалга оширилиши давлат бюджетидан қўшимча харажатлар талаб қилмайди. Бу қонун лойиҳалари маъқулланган тақдирда, тегишли вазирликлар ва бошқа идораларга келиши учун юборилиши қайд этилди.

Муҳтасар айтганда, Жиззах вилоятида ўтказилган очиқ мулоқотларда кўтарилган масалалар юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг жойлардаги ҳаёт билан қай даражада уйғунлашгани, аҳоли вакилларининг ҳуқуқий амалиётга муносабати қай даражада эканини кўрсатиб берди. Бу фикрлар ва ташаббуслар жамоатчиликнинг ислохотларга нисбатан фаол муносабатини, фуқаролик жамаияти элементларининг шаклланаётганини аңглатди.

Қонунчиликдаги айрим бўшлиқлар – амалий ҳаётда учраётган тўсиқлар туфайли, аҳолининг имкониятлардан тўла фойдалана олмаслик сабаблари янада оидинлашади. Масалан, ёшлар учун стартап платформаларининг мавжуд эмаслиги, ижтимоий лифт механизмларининг сустлиги (халқаро муваффақиятга эришган ёшларга нисбатан), фермерларнинг эркин танлов ҳўқуқининг чеклангани каби ҳолатлар инновация, тадбиркорлик ва ижтимоий фаолликни чегаралаб қўяди.

Суд-ҳўқуқ соҳасидаги муаммолар эса одил судлов принципларини амалда таъминлашда мустаҳкам механизмлар етишмаётганини аңглатади. Иқтисодий судларда жавобгар иштирокисиз иш қўрилиши, судлов жараёнидаги тенглик ва холисликни шубҳа остига қўяди.

Шунингдек, маҳаллалар зиммасига юклатилган вазифаларни таҳлил қилар эканми, бу тузилманинг чинакам ижтимоий институт сифатида эмас, балки қатор маъмурий юктамаларни бажарувчи механизм сифатида фаолият юритишга мажбур бўлаётганини кўрамиз.

Тақдим этилган қонунчилик таклифлари амалиётдаги аниқ муаммолардан келиб чиққан ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Агар бу таклифлар Олий Мажлис ва мутасадди идоралар томонидан диққат билан кўриб чиқилиб, амалиётга жорий этилса, қонунчилик ва ижро тизимининг янада самарали фаолият юритишига, аҳоли манфаатларининг кафолатли химоя қилинишига хизмат қилади.

Муҳими, бундай халқчил форматдаги мулоқот ва таҳлиллар тизимли равишда давом эттирилса, "қонун халқ учун" деган тамойилнинг ҳаётда тўла-тўқис ўз ифодасини топишига замин яратган бўлади.

O'zLiDeP матбуот хизмати материаллари асосида
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ тайёрлади.



ган "Депутатлар ва ёшлар" тадбиридан бошланди. Шундан сўнг "Жиззах пластмасса" акциядорлик жамаиятида хусусий тиббий билан шуғулланувчи тадбиркорлар ҳамда фаол бизнес вакиллари билан, "EKO SFERA" масъулияти чекланган жамаиятида эса вилоятда чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар ва соҳа мутахассислари билан самимий мулоқотлар ташкил этилди. Шунингдек, Мирзаҷўл туманида маҳаллий кенгаш депутатлик гуруҳи аъзолари ҳамда партия фаоллари билан, туманининг "Боғбон" МФИда эса "маҳалла еттилиги" вакиллари, қолаверса, Пахтакор туманидаги "SEMRUG" кўп тармоқли фермер ҳўжалигида фермерлар билан кечган юзма-юз суҳбатлар ғоят қизиқди.

Таъкидлаш жоизки, Шароф Рашидов тумани "Олмачи" маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган ўқув маркази фаолияти ҳамда Дўстлик туманидаги Микросаноат ва хизмат кўрсатиш маркази ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг лойиҳалари, шунингдек, тумандаги "Ақли сув бошқаруви" лойиҳаси билан танишув халқ вакилларида катта таассурот қолдирди.

Масалан, Янгиобод туманида маҳаллий кенгаш депутатлик гуруҳи, туман "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБда банк хизматларидан фойдаланаётган тадбиркорлик субъекти вакиллари, Дўстлик, Чакан ва Сармич маҳаллаларида аҳоли хонадонларида томорқачиликни ривожлантириш, маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилган ишлар атрофида таҳлил этилди.

Зарбдор туманида давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат таълимни ривожлантириш бўйича амалий ишлар олиб борилаётгани эътиборга лойиқ. Хусусан, "Шарқ юлдузи" МФИ ҳудудида жойлашган "Зарбдор парранда" МЧЖ мисолида тадбиркорлик субъектларига яратилаётган шароитлар, кооперация усулида аҳоли бандлигини

– **депутатлик алоқаларида узилиш мавжудлиги** – маҳаллий кенгаш депутатларининг таклиф ва ташаббусларини марказий қонун чиқарувчи органларга тезкор етказиш механизмининг мавжуд эмаслиги, муаммо ва таклифларни ўз вақтида ҳал этилишига тўсиқлик қилаётгани;

– **Иқтисодий судларда иштирокисиз кўриб чиқиш амалиёти** – аксар ҳолатларда Иқтисодий судлар жавобгарнинг иштирокисиз ҳам ишларни кўраётганлиги, фуқаролик судларида бўлгани каби жавобгар келмаса, суд мажлиси қолдирилиши бўйича норманинг мавжуд эмаслиги;

– **ер қаъридан фойдаланиш рухсатномаларида муаммо** – ер ости ресурсларини ишлатиш бўйича Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан берилган рухсатномани узеитиришга мuddати туғашига 6 ой қолгунга қадар қайта ариза бермаса рад этилиш ҳолатларининг учраётгани;

– **деҳқон ҳўжаликларида ер алмашиш имконияти йўқ** – аукцион орқали олинган ерлар турли лотларда жойлашган тақдирда, оила аъзолари ёки ҳамкор ҳўжаликлар ўзаро келишув асосида ер участкаларини алмаштириш олиш имконияти эга эмаслиги;

– **автомобиль қатновига чекловлар** – Жиззах вилоятида тоғли ҳудудларда жойлашган дам олиш масканларига 1 ноябрдан 1 апрелга қадар ишлаб чиқарилганига 3 йилдан ошган автомобилларнинг қатновига чеклов ўрнатилганлиги;

– **ичимлик суви етказиб беришда ҳўқуқий бошқарув йўқ** – фуқаролар ичимлик сувини махсус транспорт воситалари орқали аҳолига, тадбиркорлик субъектларига фаолият ҳўқуқий тартибга солинмаган ҳолда етказиб бераётганлиги;

– **маҳаллалар зиммасида ҳамон ортиқча функциялар мавжуд** – қонунчилик ҳужжатларида маҳаллага юзлаб

ГҶШТ АРЗОН БЎЛАДИ, ҚАЧОНКИ...

Хоразмда аҳоли томонидан қўшимча томорқаларда бир мавсумда буғдой ва шולי етиштириш тажрибаси кейинги йилларда аввал кўникма, энди эса одатий амалга айланди. Бу эса қишлоқ одамлари учун мўмайгина қўшимча даромад манбаи бўлмақда. Айниқса, сўнгги вақтларда буғдой похоти ва шולי сомони махсус ускуналарда тойлатиш (пресслаш) ҳам деҳқонлар ҳаётига кириб келди. Авваллари бундай сомонлар тартибсиз йиғиштириб олинар, шунданми, ташиш жараёнида бир қисми исроф бўлса, зич босиб қўйилгани учун куз-қиш мавсумида ярами чириб кетарди. Энг қулай томони, тойлангани ташиш, сақлаш учун жуда қулай. Яна денг, махсус ускуналар тойлаш пайтида сомонни қирққачни учун тўғридан-тўғри чорва молларига озуқа сифатида бериш ҳам мумкин. Эслайлик, бир маҳаллар сомонни қўлда, яъни ясама жодида қирққиш-майдалаш учун қанча вақт ва куч кетарди...



Яна Хоразмга қайтамм. Таассуфки, сўнгги йилларда воҳада ҳам чорва моллари сони кескин қисқариб кетгани кузатиляпти. Бунинг туб сабабларини бир таҳлил қилайлик-чи. Яқинда пойтахтга бораётиб, ҳазорасплик бир аёл билан чой устида гурунгимиз "Гўшт қимматлагани"га бориб тақалди. Қишлоқда яшаيدиган, туман марказидаги бозорда дўкони бор опахон ўзича қуйиб-пишиб гапираркан, ҳатто бу борада қассобларни ҳам инсофсизликда айблади. Мен эса мавзунини чорва боқиш машаққатларига буриб, хонадонидан неча бош қорамол борлигини сўрадим. "Олдинлари икки-уч бош сигир ва қирқ-элликта товук боқардик. Икки йил олдин туман марказида қурилган кўпқаватли уйлардан уч хонали квартира олдик. Қишлоғимизда табиий газ йўқлиги учун куз охиридан баҳоргача ўша уйда яшаймиз. Шароит кўтармаепти, охири мол, парранда боқишни тўхтатдик", - деди у.

Жуда кўп кузатиляётган ҳолат шу: қишлоқда яшаётганлар орасида ўзига тўқ одамлар вилоят ва туман марказларида қурилган кўпқаватли уйлардан квартира олишган. Шунинг учун ҳам сал совуқ тушса, қўрасидаги бор мол-ҳолини сотиб қаторлашиб "дом"ларга кўчиб кетишади, ҳовлилар хувиуллаб қолади...



Бизнинг Хоразм тарафларда ўз ихтиёридаги ўттиз минг гектардан зиёд қўшимча томорқа ва бундан ташқари ҳар мавсумда 35-40 минг гектарча майдонларда фермерлар буғдой, буғдойдан бўшагач, ўрнига шולי кўчатлашларини инобатга олсак, ҳар йили ўртача 3-6 миллион дона тойланган похол ва 5-6 миллион дона тойланган сомон чорва озуқаси сифатида тайёрланади. Бу жуда катта рақам! Бундан ташқари воҳа аҳлининг шахсий ва чорвачилик фермерлари истеъмолидан ортган ем-хашак қўшни вилоятларга "экспорт" қилинаётганига ҳам йиғирма йилча бўлиб қолди. Аммо...

Уч йил аввал тойланган битта сомон нархи 11-12 минг сўмгача кўтарилган эди. Қўшни Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига тойланган похол ташиб, тирикчилик қиладиган юк машиналари эгаларидан сўрасангиз, ўша даврда ошиқлари роса олчи бўлганини хўрсиниб эсласа керак. Ҳатто тойланган сомонни ташишда қулайлик, яъни кўпроқ той сиғишини ўйлаб, юк машиналари тиркамалари ҳажмини ўзгартирган ҳайдовчилар ҳам бўлди. Кейин кўз теғди, чунки...

Сўнгги икки йилда тойланган сомон - "пресс" нархи кескин тушиб кетди. Утган йил кузда ҳар битта тойланган сомонни 3,5-4 минг сўмдан сотишга мажбур бўлишди. Аслида ана шу қуриб кетгун биттагина "пресс"ни тайёрлагани учун тракторчи уч минг сўм хизмат ҳақи олишини айтсак, "ашагидан тушови қиммат" бўлиб кетди. Оқибатда ижарачилар шолидан бўшаган далаларни шудгорлашга шошилгани учун тинчгина сомонларни ёқиб юборишди. Ҳозир ҳам айрим хонадонларда ва фермер хўжаликлари далаларида ўтган мавсумдан қолган тойланган сомонлар уюм-уюм бўлиб ётибди. Ҳеч ким сўрамайди.

Нега шундай бўляпти? Наҳот хашак шу даражада хор бўлмоқда?

Ижтимоий тармоқларда тоғолди ёки дашт худудлар ҳисобланмиш Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва табиий яйловларга эга Бухоро ва Навоий вилоятларига сўнгги йилларда чорва бош сони камайиб кетаётгани, бунга табиий яйловлар шоша-шошарлик билан фермер хўжаликлари ёки кластерга айлантирилиб, атрофи ўраб олингани, аҳолининг чорва моллари ўтлаши учун майдонлар қисқариб кетгани ҳақида ёзишмоқда. Ва бу борада зудлик билан қонуний чоралар кўрилмаса, оқибати яхшиликка олиб келмаслиги очик-ойдин айтиляпти ҳам. Масъул идоралар, қонун чиқарувчи парламент вакиллари айнан яйловлардан шу вақтгача ўзбошимчилик билан фойдаланиб келаётган "мулкдорлар" ҳуқуқларини чеклайдиган қонун-қоидалар қабул қилиш тўғрисида қайғуришлари лозим.



Эслайлик, бир маҳаллар колхоз-совхозларнинг икки-учталаб фермаҳонаси бўлиб, камида 500-600 бош қорамол, қўйлар боқиларди. Бундан ташқари айрим туманларда ихтисослашган бурдоқчилик хўжаликлари бўларди. Ўша замонда вилоят миқёсида 8 минг гектар бедазор бўлган экан. Ҳозир эса...

Бугун чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сони ҳар бир қишлоқда деярли уч-тўрттадан ошмайди. Уларнинг энг йирми деганимизда кўпи билан элликлитмиш бош қорамол боқилляпти. Нима қилсин, имконлари шу-да, ер майдонлари чекланган. Демак, ушбу хомаки ҳи-

керак? Бу, албатта, даромад, моддий манфаатдорлик билан боғлиқ, дейишлари мумкин. Шундай оилаларни биламанки, эр-хотин, ўғил ва келин ҳам гап-гаштак учун ҳар ойда миллионлаб маблағ сарфлашга вақт, имкон топади. Лекин баҳона тайёр: мол боқишга шароит йўқ, ем-хашак қиммат эмиш...

Ён қўшимиз Ражаббой оға Раҳимов ўғлига атаб икки қаватли замонавий услубда иморат тиклаётган вақтида "ҳорманг"га борганимда қизик бир воқеани айтиб берди: "Ота-боболаримизнинг "Чорвачилик - етти ҳазинанинг бири", деган матали тўғри экан. Утган йил декабрда бозордан бузоқли сигирини 12 ярим миллион сўмга олудим. Қишда ҳар қуни икки марта шולי похотида озроқ ем қўшиб, қайнатиб бердим. Яқинда бузоқни 8 ярим миллион сўмга сотдим. Эрта-индин болалайман деб турган сигирини харидор 22 ярим миллион сўмга сўради. Ишонасизми, олти ойда битта сигир рўзғоримга нақ йиғирма миллион сўм фойда келтирди. Энди иморатни қийналмай тикляпмиз..."

Қишлоқларни қўяверинг, ҳатто улкан бунёдкорлик ишлари давом этаётган азим Тошкент шаҳрида, бу ёғи Урганч, Хива, туманлар марказларида яшаётганлар орасида ҳам катақаддай ҳовлисиди қўй-қўчқор, сигиру хўкиз, паррандалар боқайтган инсонларни яхши биламан. Мақсадлари фақат ойда кўриш эмаслиги аён. Азбаройи фода-бобоси ҳар қандай егулик, яъни гўшт, сут-қатиқ, сабзи-пиёз, хуллас, рўзғоридан чиққисини хоҳлаганларнинг фарзандлари кўпинча шундай йўл туттишади. Ёки бўлмаса қўни-қўшнисига зиёни тегмайдиган даражада уй ҳайвонларини покиза сақлашганига ҳайрон қоласан киши. Тагин дўконтма-дўконт маҳаллий ўғит ҳам қидириб юришмайди улар.

Хонқа тумани ҳокимлигида матбот хизмати раҳбари бўлиб ишлаган вақтим (беш йилча илгари) раҳбарлик тизимида ишлайдиган кўпгина ходимлар ва ҳатто ҳоким ўринбосарлари ўз хонадониди 8-10 бош хўкиз боққанликларини эшитиб, ҳайрон қолгандим. Улардан бири менга ҳар йили сўқимга хўкиз боқиб, ўртача 50 миллион сўмгача даромад олишини айтганида ишонмагандим. Бу маблағ ўртача оиланинг бир йиллик сарф-харажатларини бемалол кўтаришини айтсак, ойлик маошлари ёнига қолиши, фарзандлари тўйи, ишламасди. Президентимизнинг мақтаб бўлиши маълум бўлади.

Кузатаётган бўлсангиз ижтимоий тармоқларда энг кўп муҳокама қилинаётган мавзулардан бири - нарх-наво, айниқса, гўшт нархининг кўтарилиб бораётгани билан боғлиқ. Шу мавзу кўзғалиши биланқол турли мазмундаги нолишлар, маломатлар бошланиб кетади. Гўёки, гўшт нархи ошиб кетишида давлат айбдор эмиш.

Бозор иқтисоди сиёсатида нарх-наво талаб ва эҳтиёж белгилайди. Сунъий тарзда тарозини ушлаб туриш маҳсулот етиштирувчиларнинг манфаатларига зид келиши мумкин. Бу ўринда шўролардан қолган буйруқбозлик, бюрократик босимлар кетмайди.

Ҳозирги кунда гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёж кескин ошган. Мисолларга юзланамиз. Атиги ўн йил илгари Хоразмда юздан ортиқ мактабгача таълим ташкилоти бўлиб, уларнинг кўпи тўлик ишламасди. Президентимизнинг мактаб ёшигача бўлган болаларни мактабгача таълим ташкилотларига тортиш бўйича чиқарган қарорларидан сўнг давлат-хусусий шериклик асосида фаолият юритадиган хусусий болалар боғчалари сони кўпайди. Бугун воҳада уларнинг сони бир ярим мингга етиб қолди. Уларда тарбияланаётган болажонларга ҳар қуни гўшти овқат берилади. Бундан ташқари вилоятдаги олти юзга яқин умумтаълим мактабларида бошланғич синф ўқувчиларини овқатлаш тартиби ҳам йўлга қўйилган. Энди ҳисобланг, бошқаларини қўяверинг, биргина шу тармоқларнинг ўзига бир йилда озмунча гўшт кетяптими?

Яна бир мисол: муқаддам шаҳар ё туман марказларида икки-учтагина ошхона-кафе фаолият юритган бўлса, бугун керак бўлса ҳар бир маҳаллаю қишлоқда ҳам шунча овқатлаш жойлари бор. Уларга ҳар қуни қанча миқдорда гўшт ишлатилишини тасаввур қилаверинг.

Бир замонлар, биларсиз, қолбаса деган матоҳни дўконтлардан топиш амри маҳол, таниш-билишсиз ишингиз битмасди. Бугун олис қишлоқларда ҳам қолбаса маҳсулотлари тайёрлайдиган цехлар фаолият кўрсатмоқда. Тўй-томоша, маросимлар ана шу маҳсулотларсиз ўтмайдиган бўлиб қолди.

Яна бир томони, ҳозир ҳар бир қишлоқ-овулда қад ростлаган ҳашаматли тўйхоналар мавсум бошланишидан бир неча ой аввалроқ банд қилиб қўйилмоқда. Никоҳ, суннат, бешик тўйларидан ташқари урфга кириб қолган 50-60, 70-80 ёшли юбилейларнигина эмас, ҳатто мучалу битирув оқшомларини ҳам ана шундай жойларда дабдаба билан нишонланаётгани (дастурхонларга қўйилаётган уч-тўрт хил турдаги овқатлар учун қанча гўшт маҳсулотлари ишлатилишини ҳисоблаш осонмас)га нима дейсиз?

Кейинги йилларда, мамлакатимизнинг бошқа худудларидикидек, Хоразм вилоятида ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, жумладан, аҳолининг гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳамда хонадонлар сони йил сайин ошиб бормоқда. Янгидан қабул қилинган давлат дастурига мувофиқ Боғот туманининг Қорақум этакларида бўш ётган, экишга яроқсиз майдонлариди ана камида минг гектарлик сунъий қўйлар ташкил қилишга киришилган. Бир ёқда паррандачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳам кетма-кет ташкил қилинаётган. Айнан балиқчилик ва паррандачилик тармоғи ривожлангани гўшт маҳсулотлари нархини бир қадар мувоозанатда тутиб турибди, дейиш мумкин.

Бирок чорва моллари сони эса кўпайиш ўрнига камайиб бораётгани ташвишли ҳолатдир.

Тўрт йиллар олдин давлатимиз раҳбари ташаббуси билан маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари уйма-уй юриб, ҳар бир хонадонда неча бош чорва моллари борлигини аниқлаб, алоҳида дафтarga қайд қилишлари эсимда. Мол-қўйлари йўқ оилаларга ҳомийлар ёрдами билан бузоқ, қўзичоқ бериш тартиби амалга оширилган ёки имкони бору аммо чорва моллари боқмайдиган оилаларга тавсия, тақлифлар берилиб, рағбатлантирилган эди.

Албатта, бу жуда хайрли иш эди. Шу баҳонада қанча хонадонлар ободлиги таъминланганди. Билмадик, кейин негадир бу аъёна унутилди. Ҳозир эса қишлоқ аҳли илқиди қанча чорва моли бор, уларга сарф бўладиган озуқа қанча, чорва ёми сотадиган шохобчалар фаолиятини кенг йўлга қўйиш каби ҳаммаша долзарб бўлган масалаларга эътибор сусайиб кетганига гувоҳ бўляпмиз.

Президентимиз ташаббуси билан воҳада янги Тупроққалъа тумани ташкил қилинганига ҳам анча бўлди. Туманининг ер майдонлари, айниқса, Қизилқум бағрида табиий яйловлари кўп. Улардан қўйчиликни ривожлантиришда кенг фойдаланиш бўйича дастур ишлаб чиқилиб, четдан наслдор эчки ва қўй зотлари келтирилиб, чўпонларнинг сурувлари бемалол ўтлашлари учун уларга яйловлар ажратиб берилади. Ана шу саъй-ҳаракатлар ўлароқ воҳада қўйлар бош сони сўнгги йилларда сезиларли даражада ошди. Оддий мисол, бизнинг кичкина худудимизда яшовчи бешта хонадон йиғитлари шу яйловларда сурув ҳайдаб, рўзгор тебратишляпти. Аммо барибир гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган талаб ошган бугунги кунда булар дегниздан бир томчи ҳолос.

Энг ёмони, асл муаммонинг моҳиятини ўрганмасдан, салқингина хонада ўтирганча "гўшт нега қимматляпти?" деб ижтимоий тармоқларда бунга ураётганларнинг қайси бири олис-яқин худудларга бориб, чорвачилик билан боғлиқ масалаларни чуқур ўргангани бизга қоронғи.

Ушбу мақоламга сўнгги нуқтани қўяётган маҳалим қишлоғим аҳлининг мулоқот майдони бўлмиш "Қулон Қорабон" телеграмм каналидаги бир эълонга кўзим тушди: "Сўқимга боқилган хўкизлар сотилади" деган мазмундаги хабарчага қавш қайтариб ётган хўкизлар сурати илова қилинибди. Кўпи билан бир сотихча ерни эгаллаган муъжазгина молхонада ўн бош хўкиз боқайтган меҳнатқаш ҳаммаҳалламизга ҳавасим келди. Ҳар биттасини камида ўттиз миллион сўмдан сотган тақдирда ҳам энг замонавий русумдаги хоржий енгил машина харид қилиши ёки беш хонали иморатни тиклаши мумкин!

Бошқа изоҳ шарт эмас...

Рўзимбой ҲАСАН, "XXI asr" муҳбири



Халқимизда "Қўлда боқилган чорва ўз хунини ейди", деган ғалати ибора бежиз айтилмаган. Барибир чорва моллари ҳеч бўлмаганда баҳор, ёз ва куз бошларида табиий ва сунъий яйловларда боқилмас экан, энг оғир муаммо ҳисобланган гўшт нархи пасаймайди. Ўйлаб кўринг, бугун қайси биримиз зараримизга ишлаётган чорвачилик билан шуғулланамиз?!

Минг йиллик удум - ҳар бир қишлоқ ё овулнинг чорвасини яйловларга ҳайдайдиган, буни рўзғорини боқиш учун касбга айлантирган чўпон-чўлиқлик касод бўлиб, улар ҳам тирикчилик учун хорижга кетганини биламиз. Айниқса, тоғолди, дашт худудларида асрлардан бери сақланиб келаётган чорва молларини тўплаб боқиш, яъни подачилар тартибини эски ўзанга қайтариш вақти келмадими? Албатта, тайинли одамни топиш ҳам осонмас.

соб-китобимиздан маълум бўладики, яқин ўтмишда ҳар бир қишлоқдаги давлат-жамоа хўжалигида асралган чорва моллари сони ҳозирги чорвачилик фермерлар ҳисобидагилар билан таққослаганда деярли икки баравар кам. Утган ўттиз йилдан ортиқ даврда аҳоли сони деярли икки ҳисса ортгани ва одамларнинг даромади ҳам ўсиб бораётгани учун гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган талаб ҳам неча баравар ошиб кетгани билан ушбу ҳолатни таққосланг-чи, қандай манзара пайдо бўлади?!

Тўғри, қишлоқ аҳолиси ўзига тегишли боғ-томорқа ва қўшимча томорқасидан камида уч-тўрт бош қорамол боқишга етулик озуқа чиқади. Бошқалар-чи, нега орамизда "тайёр ошга баковул" боқимандалар кўпайиб кетмоқда? Ҳайҳотдай ҳовлисиди ит ё мушук асраган одамнинг кўрасида нима учун тўртта қўй-қўзи, соғин сигир ёки беш-ўнта товук бўлмаслиги

“ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2025”

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Ўз ишининг усталари кашф этиляпти

ҚАШҚАДАРЁ



O'zLiDeP Чироқчи тумани кенгашининг “Аёллар қаноти” гуруҳи ташаббуси билан “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг илк саралаш босқичи ўтказилди. Унда Араббанди, Янги қурилиш, Додик Жар, Дўстлик диёри, Кўктош, Ҳумо, Обод, Чоршанба, Қизил чорва, Болсувор, Шакарбулоқ, Амир Темура, Чамбил, Наврўз, Галабек маҳаллаларидан келган тадбиркор, томорқачи ва хунарманд аёллар иштирок этди.

Салтанат Қўлдошева ўзи истиқомат қилаётган Араббанди қишлоғида “Гиламчилик мактаби”га асос солди. Ҳар йили 30 нафар ёш қизлар бу ерда гилам тўқиш сирларини ўрганишади. Дунёнинг турли мамлакатларидан келган сайёҳлар унинг миллий безаклар ила жилоланган, ип ва жундан тўқилган чиройли гиламларини катта қизиқиш билан харид қилишмоқда. У “Аёллар дафтари”га киритилган ўндан ортиқ аёлларни иш билан таъминлаган. Гилам тўқиш учун зарур бўлган ип ва рангни ўзи тайёрлайди.

Тумандаги Қорабуруғ қишлоғида яшовчи Феруза Тошқувватованинг миллийлик ва замонавийликни ўзида мужассам этган совға буюмлари юртимизнинг барча бозорларида сотилмоқда. Тадбиркор аёл яқинда Саудия Арабистонида фаолият олиб бораётган савдо маркази билан шартнома имзолаб, ўз маҳсулотларини етказиб беришни бошлади. Унинг ишлаб чиқариш цехида ўндан ортиқ хотин-қизлар меҳнат қилишмоқда.

Шу қишлоқда яшовчи Гулнора Холиёрова 20 сотихли иссиқхонадан ҳар йили 200 млн сўмдан ошириб даромад олаётгани кўпчиликка намуна бўлмоқда. “Аёллар дафтари”да турган беш нафар хотин-қизнинг бандлиги ҳам таъминланган.



Ҳакамлар хайъати шакарбулоқлик Шоҳида Тўйчиева, “Наврўз” МФЙда яшовчи Мадина Кенжаева, додқлик Мафтуна Уролова, Янги қурилиш маҳалласида иш бошлаган Моҳидил Эргашевалар томонидан тайёрланган тикувчилик маҳсулотларини ҳам алоҳида эътироф этишди. Олти нафар тадбиркор ва хунарманд аёллар кўрик-танловнинг туман босқичида иштирок этиш учун саралаб олинди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

САМАРҚАНД



Пастдарғом туманидаги маҳаллалар ўртасида ўтказилган тадбирда “Мангитобод”, “Парчачандир”, “Катта Найман”, “Кичик Найман”, “Новчандир”, “Чандир”, “Дўстлик”, “Парчақора”, “Самарқанд”, “Қокони” МФЙда фаолият кўрсатаётган тадбиркор хотин-қизлар иштирок этди. Вилоят кенгаши депутати Зиёда Ишмуродова сўзга чиқиб, ушбу танловнинг нуфузи, аҳамияти хусусида батафсил маълумот берди.

Тикувчилик, кўроқчилик йўналишида иштирок этган Иззатхон Тожибоева 2021 йилдан буён “Саидкамалхон” оилавий корхонаси қошида тикув цехи ташкил этиб, 15 та иш ўрни яратган, 20 нафар маҳалладошнинг касаначилик билан банд қилган, беш нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож мактаб ўқувчисига хунар ўргатиб келмоқда.

“Ешлар дафтари”да рўйхатда туриб, ўзини ўзи иш билан банд этган Рушана Ғаниева бичиш-тиқиш билан шуғулланади. Шунингдек, томорқачилик йўналишида ўзини ўзи банд этган тадбиркор Моҳичеҳра Каримқуллова ҳамда кичик ширинликлар ва турли хил пишириқлар тайёрлайдиган цех



эгаси Мухлиса Хайруллаеванинг ишлари ҳам ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди.

O'zLiDeP Самарқанд вилояти кенгаши
матбуот хизмати

ЖИЗЗАХ



Зомин туманидаги 28 та маҳаллада бўлиб ўтган ҳудудлар кесимидаги саралаш босқичи қизгин руҳда кечди. Пешоғор, Ширин, Ёшлик, Навойи, Қўштон, Гулшан, Нурликент, Бешқуби, Нихол, Юсалиш, Халқобод, Чорвадор, Туркман маҳаллалари ўртасидаги танлов жонли мулоқотлар, баҳс-мунозаралар ва ўзаро тажриба алмашувларга бой тарзда ўтди.

– Ўтган йилги кўриқда олти овозини билан ҳамкорликда иш бошлаган “Ясмин чеварлари” МЧЖ раҳбари Зебинисо Эшимова ғолиб деб топилган эди. Уларнинг довуғи ўшанда бутун ҳудудга тарқалди ва туманда издошлари сафи кенгайиб кетди, – дейди партия вилоят ҳудудий партия ташкилоти “Аёллар қаноти” гуруҳи раҳбари Саида Умаралиева.

Энг қизиғи, бу ҳали энди саралаш босқичи бўлса-да, ғолибларни танлаб олиш осон кечмади. Мисол учун, Халқобод маҳалласидаги яқка тартибдаги тадбиркор Манзура Тулабоева кўп йиллардан буён тикувчилик билан шуғулланиб, нафақат ўз оиласи, балки маҳалладаги аёллар бандлигини таъминлашда ҳам беҳимнат хизмат қилмоқда.

“Чорвадор” МФЙда истиқомат қилувчи “Бахтли оила” МЧЖ раҳбари Гавҳар Султонова сўт ва сўт маҳсулот-



лари етиштириш билан шуғулланмоқда ва “Зомин қурутлари” аллақачон сайёҳлар эътиборига ҳам тушган.

Кўрик-танлов якунларига кўра, 11 нафар иштирокчи ғолиб деб эълон қилинди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

ТОШКЕНТ ШАҲРИ



O'zLiDeP Тошкент шаҳар ва Яшнобод туман кенгашлари ташаббуси билан Яшнобод туманидаги Дўстобод, Амир Темура, Ватандош, Илтифот, Ал-Бухорий, Тонг, Моҳинур, Тузел, Гўзал, Олмос, Арғин, Баҳор, Чинор, Жарбоши, Ибрат, Миришкор, Истиклол, Товкентепа, Яшнобод, Бирлашган, Парвоз, Наврўзобод, Ависозлар, Махмур, Алимкент, Кўксарой маҳаллаларида яшаётган хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти ўрганилди.

Тонг маҳалласида фаолият кўрсатаётган “Mansol” МЧЖ раҳбари Моника Каримова асосан кўл меҳнати билан шуғулланади. Махсулотлари МДҲда ҳам харидордир. Маҳалла марказидан унга ишбилармонлиқни йўлга қўйиш учун шарт шарт билан берилган, ўн нафар аёлни иш билан таъминлади. Яна бир иштирокчи Нигина Саломованинг тикувчилик цехида етти нафар шогирди хунар ўрганипти, икки нафар аёл эса ишли бўлди.



Хуллас, туман маҳаллаларида ишлаётган намунали, ўз ишининг усталари орасидан ғолибларни аниқлаш осон кечмади. Навбат энди туман босқичига!

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати

СУРХОНДАРЁ



“Янги Ўзбекистоннинг бунёдкор аёллари” шиори остида “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг маҳалла босқичи Қумқўрган туманида ҳам ўтказилди.

“Сурхон соҳили”, “Дўстлик”, “Янги шаҳар”, “Нефтичи”, “Янгиобод”, “Ўзбекистон”, “Богоро”, “Навбахор”, “Элобод”, “Жарқишлоқ”, “Уяс”, “Улуғбек”, “Арслонбойли”, “Беш қаҳрамон”, “Еш ғайрат”, “Янги авлод” МФЙ ҳудудларида хотин-қизлар бандлигини таъминлаган илгор тад-

биркорлар фаолияти билан танишилди. Саралаш босқичида иштирокчилар ўз бизнес фойдалари ва амалий ишларини намойиш этиш билан бирга, маҳаллий аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ва маҳалла иқтисодиётига қўшаётган ҳиссалари ҳақида ҳам маълумот беришди. Тадбир ниҳоясида энг фаол, ташаббускор ва истиқболли лойиҳалар соҳибалари танлаб олинди, улар танловнинг навбатдаги босқичида иштирок этиш учун йўлланмага эга бўлишди.

O'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши
матбуот хизмати



ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРИШГА ҚОДИРСИС...

Тарихдан маълум, неча асрлар давомида шижоатли, жасур, маърифатли, тадбирли, курашчан аёллар ҳаминша ардоқланган, қадр тошган.

Улар кучли ирода соҳибалари бўлибгина қолмасдан, балки ўзлари мансуб давр ва жамиятда ҳаминша олдинга интилган.

Шу маънода кейинги йилларда дунёдаги ривожланган давлатларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар, кенг имкониятлар яратилмоқда.

Айниқса, фаол, ишбилармон хотин-қизлар тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган қонунлар, қарор ва фармонларга асосан ажратилган имтиёзли кредитлар, албатта, ўз натижаларини бераётгани-

нес ва жамият бошқаруви жараёнлари бўлибгина қолмасдан, балки ўзлари мансуб давр ва жамиятда ҳаминша олдинга интилган.

Ушбу конференцияда қайта таъкидланганидек, халқаро доираларда тан олинган тамойиллардан бири, бу хотин-қизларнинг барча бўғинлардаги фаол иштироки, энг аввало, демократик-ҳуқуқий жамият ва инклюзив ривожланишнинг асосий элементи сифатида эътироф этилган.

Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари:

– Ўзбекистонда Президентимиз ташаббуси билан хотин-қиз-

Энг муҳими, ақл-заковатли, билимли ва истеъдодли хотин-қизларимиз давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида намуна бўлишмоқда.

Эътиборлиси, бугунги амалга оширилаётган тизимли ислохотлар боис хотин-қизларнинг тазйиқ ва зўравонликка учрашининг олди олинмоқда, улар орасида ишсизлик даражаси камайди, аёллар тадбиркорлиги ошиб, камбағаллик қисқартирилди. Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган ёки ногирон фарзанди бўлган, уй-жойсиз, боқувчисиз бўлмаган, ўзгалар парваришига муҳтож аёллар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Шу ўринда лондонлик сиёсий фанлар ва гендер назарияси профессори Энн Филипснинг қуйидаги сўзларини эслагим келди: “...аёлларнинг овозини истисно қиладиган ҳар қандай тизим адолатсиз, уни вакиллик ҳоқимияти деб номлаш мумкин эмас”. Бу фикр-



га барчамиз гувоҳимиз. Буларнинг барчаси опа-сингилларимиз учун ўз иқтидор ва салоҳиятларини тўла-тўқис рўйга чиқаришларини кафолатлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Асосийси, улар ҳам оилада, ҳам жамиятда фаол қатлам вакилларига айланмоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ижтимоий сиёсатдаги кўпгина муаммоларни ҳал этиш воситаларидан бири, бу хотин-қизларнинг меҳнат бозоридаги имкониятларини кенгайтириш ва бандлик соҳасида гендер тенглигида эришиш, кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини ҳамда молиявий мустақиллиқни оширишга хизмат қилмоқда.

Ўтган ҳафта пойтахтимизда Ўзбекистон аёллар ва қизлар уюшмаси Ўзбекистон ва Туркия ишбилармонлари уюшмаси (UTID) билан ҳамкорликда ташкил этилган Туркийзабон давлатлар аёллар жамоат ташкилотларининг халқаро конференцияси кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Чунки ушбу анжуманни ўтказишдан кўзланган мақсад, мамлакатимизда кейинги йилларда хорихий давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган изчил ислохотларни қўллаб-қувватлаш билан бирга, туркий дунё миқёсида биз-

ларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ҳамда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар алоҳида эътирофга лойиқ. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий жабҳаларда, шунингдек, энг муҳим ҳаётий қонун ва қарорлар қабул қилинишида, айниқса, кейинги йилларда хотин-қизлар иштироки сезиларли равишда кенгаймоқда. Оддий мисол: янги тахрирдаги Конституциямизда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, аёлларнинг давлат бошқарувида, айниқса, барча соҳаларда эркаклар билан тенг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлаши қатъий белгилаб қўйилди.

1991 йилда мамлакатимизда ННТ сони 95 тани ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам ўн мингга яқинлашди. Улардан 20 фоизини аёллар бошқараётгани янада қувонарлидир. Хусусан, 2017-2024 йилларда фуқаролик жамияти институтларини беvosита қўллаб-қувватлаш ва самарадорлигини оширишга қаратилган 64 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, зарур ҳуқуқий ва институционал база яратилди.

нинг қанчалик тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон аёллар ва қизлар уюшмаси Ўзбекистон ва Туркия ишбилармонлари уюшмаси (UTID) раиси Насиба Миродилова, Озарбайжон Республикаси нодавлат ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватловчи агентлик директори Айгун Алиева, Туркия тадбиркор аёллар федерацияси вице-президенти Бетул Сезгин, Ўзбекистон ва Туркия ишбилармонлари уюшмаси (UTID) раиси Давут Азми Ербас, Тадбиркор аёллар Бутунжаҳон ассоциацияси вице-президенти Катерина Харинг (Франция, онлайн шаклда), Озарбайжондаги “Сара хатун” ассоциацияси раиси Парвона Мустафоева, Санкт-Петербургдаги хусусий таълим муассасаси ректори Елена Калинина ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, ушбу анжуман нафақат Туркий дунё мамлакатлари, балки бошқа ҳамкор давлатларда фаолият юритаётган тадбиркор хотин-қизларни ҳам бирлаштириш йўлида ўзига хос мулоқот майдони вазифасини ўташини таъкидлади.

Озода БЕКМУРОДОВА,
журналист



ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕРЛАР КЕНГАШИ



1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан эртамиз эгаларини самимий муборакбод этади!

Болалик – беғубор фасл, улкан орзу-истак ва мислсиз имкониятлар дунёсидир.

Келажагингиз олдинда, фурсатни бой берманг, илм ўрганинг, ишончимизни оқланг!

Байрамингиз муборак бўлсин!



БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Халқимиз ҳар йили интиқиб кутадиган энг гўзал байрам – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни барчангизга муборак бўлсин!

Қадрли болажонлар, ҳаёт йўлингизда улкан зафарлар, муваффақиятлар ҳамроҳ бўлишини тилаймиз. Билим чўққилари сари интилинг, олижаноб мақсадларга эришмоқ учун фақат олга юринг! Ёруғ келажак сизларники! Айёмингиз қутлуг бўлсин!



“Navobod Nasli Parranda”

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан жажжси фарзандларимиз ва уларнинг ота-оналарини табриклайди. Ҳар биримизнинг бу дунёга келиб топган энг буюк бойлигимизсиз.

Давлатимиз сизларнинг ҳақ-ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш, соғлом, бақувват бўлишингиз ва кафолатланган таълим олишингиз учун ғамхўрлик қилишга доимо тайёр.

Ҳаётимиз мазмуни, умримиз гултожи сизларсиз, ҳамиша омон бўлинг, азизлар!



“Навобий кон-металлургия комбинати”

акциядорлик жамияти жамоаси

юртимиздаги барча болажонларни гўзал айём билан чин юракдан қутлайди.

Сиз – Ватанимизнинг нурли эртаси, буюк келажаги тимсолисиз.

Шунинг учун ҳам давлатимиз ёш авлоднинг соғлом ва баркамол вояга етиши йўлида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Сизларнинг гўзал тарбия соҳиби, илму маърифатли бўлиб вояга етишингиз бизга куч-қувват, ишонч бағишлайди, азиз болажонлар!

Қалбингиздан қувонч, юзингиздан табассум, ҳаётингиздан нур аримасин!



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН!

МАРДНИНГ МАРДОНА ҲАЁТИ



Халқаро тинч-тотув яшаш куни (14 май)да "Меҳржон" аёллар ва болалар маркази Марказий Осиёда барқарор ривожланишга йўналтирилган "Биргаликда саъй-ҳаракатлар билан Марказий Осиёда барқарор ривожланиш сари" (European Union in Uzbekistan ҳамда Германия Федерал Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт вазирилик биригаликда молиялаштирилган) минтақавий лойиҳаси доирасида ўтказилган "Бизнинг бирдамлигимиз хилма-хилликда" мавзусидаги онлайн танлов якунлари эълон қилинди.

Муаллифлар танловга тақдим этган ўзбек, қирғиз, тожик ва рус тилларидаги юзлаб наср ва назмдаги ижод намуналаридан ғолибликка танлаб олинган асарлар орасида Фаргона давлат педагогика университети филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили йўналиши 4-курс талабаси Мард Раҳмоновнинг ҳам шеърлари бор. Фарзандинг, шогирдинг, ўқувчинг, қадрдонинг... Борингки, таниш-билишининг ютуғи ҳам самимий дилларни бефарқ қолдирмайди, қувонасан. Аммо ёзёвонликлар, фарғоналиклар орасида Мард Раҳмоновнинг бу ва шунгача бўлган каттаю кичик муваффақиятларидан худди ўзи ғолиб бўлгандек, ҳатто бундан зиёда хурсанд бўладиганлар, фахрланадиганлар оз эмас.

...Мақтабнинг 3-синфида ўқиётган пайти (2013 йил), ҳамма қишлоқ болалари каби тез улғайиб, мол-ҳол боқибда катталар қаторига қўшилган эди у. Ҳовлиси билан кенг далани ажратиб турадиган катта йўлни бир неча марта кесиб ўтиб, этак тўлдириб молу қўйларига ўт олиб келди. Этакни бўшатиб яна далага қайтиб кетаётганда йўлда тиркама уланган тракторга дуч келди. Ун ёшли болакай... шўхлиги тутди чоғи, ҳалиги тиркамага осилди ва йиқилди... Оёқ остидан чиққан фалокатни тракторчи кўрмади, ўз йўлида кетди. Боши билан ерга урилиб хушидан кетган Мардни уч соатдан кейингина йўл чеккасидан топилди...

Шундан буён у ўсмирлик билан балоғат йиллари ўртасида, ҳозиргача не-не тиббий муолажаларни олмади, бош миёсидан икки марта мураккаб жарроҳлик операциясини ўтказди. Дардлари оғир бўлган бу беморнинг жисмоний азоблари, йўқотишларини тиклашга жон-дили билан киришган шифокорларнинг энг яқин ёрдамчиси, қўллаб-қувватловчиси Марднинг иродаси, енгилмас шуури, ҳаётсевар қалби бўлди. Мард эса ҳаммадан кўпроқ онасининг меҳрига, доим кулиб боқадиган кўзларидан ишончга, фарзанди қалбига иккиланиш ўқинини йўлатмаган сўзларига, онажонининг чайир кўлларига суянди.

**Она азиз, она табаррук,
Она меҳрин туйиб яшайман.
Онам кўзи ёшланмасин деб,
Мен ҳаммиша кулиб яшайман.**

**...Ҳақиқатни ошкор этаман,
Ўзи берган дард-да, нетаман!
Умидим бор юриб кетаман,
Мен ҳаммиша кулиб яшайман.**

Ёзёвон туманидаги 27-мактаб ўқитувчиларининг отасига минг раҳмат, вақту меҳнатларини аямай, оёғи ўзига бўйсунмай қолган ўқувчисини синфдаги барча болалардан камситмай ўқитишди. Мард ёшлигидан адабиётга жуда қизиқарди. Дафтарлари шеърин машқларга тўлди, устозлар бунни туман, вилоятда танилган ижодкорларга дарак-лақиллар. Мард Раҳмонов мактабнинг юқори синфларида ўқиётганда Ёзёвонга, фарғоналик шеърини муҳлисларига танилиб қолганди. Айниқса, унинг сатрларидаги фикрлар

ёрқинлиги, бегубору бегидирлиги, ёшига нисбатан фикрининг улуглиги ибратли эди. 11-синфда ўқиётганда жонқуяр ижодкорлар, саховатпешалар ҳиммати билан унинг "Кулиб яшайман" (!) номли илк китобчаси босилиб чиқди.

**Яқинларинг юзин бурса ҳам,
Бегонадек нари сурса ҳам,
Кулиб туриб ханжар урса ҳам,
Ҳар ёмоннинг яхшилиги бор.**

**Омад кетиб оқсаганда от,
Бошини уриб қилмайлик фарёд,
Буюк зотлар айтдилар бот-бот:
"Ҳар ёмоннинг яхшилиги бор".**

...Мард Раҳмоновнинг тақдирини ҳам жуда кўп болапарвар, муруватли, савобталаб, зиё тарқатишга қалбан эҳтиёжманд инсонларнинг яхшиликлари уйғунлашгандек. Давлатимиз раҳбари, ҳукуматимиз томонидан моддий ҳамда жисмоний жиҳатдан ёрдамга, қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд ёшларнинг олий таълим даргоҳларида ўқишлари учун яратилган шароитлар ҳамда қалби уйғоқ кишиларнинг маънавий ёрдамлари билан талаба бўлган Мард Раҳмонов бугун университетни битириш арафасида. У энди насиб этса Президент мактабларидан бирида дарс беришни орзу қилади.

Гарчи истаган жойларига, катта давраларга хоҳлаган пайтида боролмаса ҳам, аравачада босиб ўтаётган йўллари жуда оз ва чегаралангандек туюлса ҳам, ишонинг, Мард Раҳмоновнинг фикрдошлари, маслақдошлари, йўқлагувчилари, ҳамкорлик учун қўлини туттаётганлари сони анча-мунча соғлому кенг имкониятларига бирида дарс бергани орзу қилади.

Сўзимиз аввалида айтилган хушхабар, яъни нуфузли Халқаро жамоатчилик ташкилотининг "Бизнинг бирдамлигимиз хилма-хилликда" мавзусидаги онлайн танловда ғолиб бўлганининг бош сабаби ҳам Мард ўғлонимизнинг тинчликпарвар, бағрикенг, тараққийпарвар, эгуликсевар инсонлар қаторида мардона ниятлар билан яшаётгани бўлса, ажабмас. Зеро, самимий сатрларда қадим Туронзаминнинг тарихи, бугуни, келажакга муҳаббат ва унинг барқарор тараққиётга масъулият туйғулари чақнаб турибди:

**Азалдан бир халқимиз, бозоримиз бир,
Борар еримиз бир – мазоримиз бир.
Ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркману тожик,
Туркистон аталган дёғиримиз бир.**

**Бир алпнинг муштими, бармоқларимиз,
Бир таннинг этию тирноқларимиз.
Бир дарёнинг ёндош ирмоқларимиз,
Қорақалпоқ, қўмиқ, тоторимиз бир.**

**Юраклар зарбидан куч олар очун,
Бирдамлик кўрсатар миллатнинг кучин.
Жаҳолат келмасин илмдан устун,
Санъатимиз бирдир, ашъоримиз бир.**

**Бир мақсад йўлидан борамиз илдам,
Ниятлар муштарак, қадамлар шахдам.
Боботурқ наслимиз, билсин бу олам:
"Мангу биримиз!" деган ширимиз бир!**

Муҳтарам УЛУФОВА

Худудлардан хабарлар

БАЙРАМ АРАФАСИДА...

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан "Соғлом бола – юрт келажак"и шiori остида саломатлик тадбирлари ташкил этилмоқда.

Бўзатов туманидаги спорт мактабида 2010-2016 йилларда туғилган 40 нафардан ортиқ болалар бадминтон бўйича ўзаро куч синашди. Партиянинг Бўзатов туман кенгаши аппарат раҳбари Бегдияр Қутлимуратов ёш спортчиларни яқин-

лашиб келаётган байрам билан табриклаб, шундай деди: "Компьютер технологиялари асрида, афсуски, болалар очиқ майдонларда ташкил этиладиган ҳаракатли ўйинлардан узоқлашиб кетди. Натижада бу уларнинг жисмоний ва психологик ҳолатига маълум маънода салбий таъсир кўрсатмоқда. Уғил-қизларимизни спортга кўпроқ қизиқтиришимиз лозим". Қизгин беллашувларга бой ўтган мусобақалар якунида ғолиблар диплом, медаль ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати

ИБРАТ ИЗДОШЛАРИ ҲУЗУРИДА

О'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши раиси Солижон Мўминов ташаббуси билан партиянинг бир гуруҳ фаоллари Исҳоқхон Ибрат номидаги Наманган давлат ҳорижий тиллар институти талабалари билан мулоқотда бўлди.

Ёшлар билан мунтазам равишда учрашиб туриш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва сиёсий жараёнлардаги иштирокини янада кучайтириш сиёсий куч фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир. Шу мақсадда партиянинг ёшларга қаратилган дастурий мақсад ва вазифалари, айниқса, бандликни таъминлаш, тадбиркорликка йўналтириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича қилаётган ишлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Талабалар кўнглида саволлар жуда кўплигига мулоқот доирасида гувоҳ бўлди. Қувонарли жиҳати, мамлакатдаги сиёсий-ижтимоий жараёнларга ёшлар бефарқ эмаслиги, айниқса, етакчи партия фаолияти, истиқболли лойиҳалар орасида уларига



тегишлилари бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдиришгани, хусусан, ажратилаётган грантлар ва ўтказилаётган танловлар ҳақида ҳам атрофли маълумотлар олишга қизиқишгани эътиборга лойиқдир.

О'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати

ЁШЛАРГА СУЯНАМИЗ

Қарши шаҳрида партия "Ёшлар қаноти" фаоллари, талаба ёшлар ишқирокида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда О'zLiDeP Қашқадарё кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари Аббор Аннаев, вилоят кенгаши депутати Иброҳим Халилов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш борасида янгиликлар тизим яратилиб, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, орзу-интилишлари ва иқтидорини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганини таъкидлади. Меҳнат бозорига кириб келувчи ёшларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, салоҳиятини юзага чиқариш, китобхонликка қизиқишини кучайтириш ҳамда ёшлар парламентига жалб этиш борасида қилинаётган ғоявий-сиёсий, ташкилий-партиявий тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

Мулоқотда ёшларимизга билим ва ҳунар ўрганиш учун яратилган шарт-шароитлар таҳсинга сазовор эканлиги, вилоятдаги эҳтиёжманд оилаларга мансуб талабаларга контракт пуллари тўлаб бери-



лаётгани, ижарага олинган бинода бизнес бошлаган ёш тадбиркорларга молиявий кўмак, ёш оилаларга деҳқончилик қилиш учун ер ва имтиёзли кредит ажратилаётгани Янги Ўзбекистонимизнинг нурили истиқболи, эл фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

**Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" муҳбири**

МИЛЛИОНЕР ЭМАС, МИЛЛИАРДЕР БЎЛАДИ

Фидойи, ташаббускор аёллардан бири, Тойлоқ туманида яшовчи Матлуба Бозорова О'zLiDeP томонидан амалга оширилаётган "Намунали томорқачи аёл – фаровонлик бунёдкори!" лойиҳаси доирасида ўз тажрибаси билан ўртоқлашди.

Матлуба опа 6 сотихли ҳовлисида аввалига ўзимизнинг жайдади, кейин эса хориждан олиб келинган юқори ҳосилдор малина-хўжағат навларини танлаб экти. Қараса, даромад чакки эмас, бозорда ҳам харидоргир, мижозлари кўпайиб кетди. Кейин у 40 сотихдан ортиқ майдонга хўжағат кўчатларини қадади. Баҳорда ўнлаб аёллар меҳнат қилиб, даромад топаётган бўлса, айна ҳосил йиғими маҳали ёлланма ишчилар сони кўпаяди. Энди битта оила эмас, бутун маҳалла аҳли иш билан банд бўлмоқда. Натижада Матлуба Бозорованинг издошлари сафи кенгайиб кетди. На-



сиб этса, партия фаоли миллионердан миллиардерга айланмоқчи.

**Азизжон ОРЗИМУРОВОВ,
О'zLiDeP Тойлоқ туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари**

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



**Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА

Сирождин САЙИЙД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шўхрат АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).
Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил 14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 545
Адади: 5670
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 18:20

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© "XXI asr" дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер маркасида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ